

**Сопредседатели редакционной  
коллегии:**

**А. Ш. ИНОЯТОВ,  
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

**Ред. коллегия:**

Т.С. АГЗАМХОДЖАЕВ,  
А. АБДУМАЖИДОВ,  
М.М. АКБАРОВ,  
Х.А. АКИЛОВ,  
М.М. АЛИЕВ,  
С.Ж. АМИНОВ,  
Ш.М. АХМЕДОВ,  
Ю.М. АХМЕДОВ,  
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор),  
Б.Т. БУЗРУКОВ,  
Р.К. ДАДАБАЕВА,  
К.А. ДЕХКАНОВ,  
Э.С. ДЖУМАБАЕВ,  
А.И. ИСКАНДАРОВ,  
С.И. ИСМОИЛОВ,  
Э.Э. КОБИЛОВ,  
Т.С. МУСАЕВ,  
С.Н. НАВРУЗОВ,  
Ф.Г. НАЗИРОВ,  
Н.А. НУРАЛИЕВ,  
Ш.Э. ОМООНОВ,  
Т.А. САГАТОВ,  
Ш.Т. САЛИМОВ,  
Б.Б. САФОЕВ (отв. секретарь),  
Б.Т. РАХИМОВ,  
Б.Т. ТАДЖИЕВ,  
А.Ж. ХАМРАЕВ,  
А.М. ШАМСИЕВ,  
А.К. ШАДМАНОВ,  
К.Б. ШОДМАНОВ,  
Б.Б. ЭРГАШЕВ,  
Н.Ш. ЭРГАШЕВ,  
М.Ш. ҲАКИМОВ,  
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)  
ДОНГ ЖИНЧЭНГ (Китай)  
В.Е. КУЗАКОВ (Россия)  
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)  
В.А. МИТИШ (Россия)  
В.И. ПРИМАКОВ (Белоруссия)  
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)  
А.А. ПАТАПОВ (Россия)  
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)  
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)  
А.А. ЩЁГОЛОВ (Россия)  
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV  
(Azerbaijan)  
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН  
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ  
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал*

*Научно-реферативный,  
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ  
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский  
исследовательский центр хирургии имени  
А.В. Вишневского является генеральным  
научно-практическим  
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных  
изданий, рецензируемых Высшей  
Аттестационной Комиссией  
Республики Узбекистан  
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

**РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:**

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)  
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)  
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)  
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)  
Т.Х. КАЮМОВ (Ташкент)  
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)  
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)  
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)  
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)  
Ш.Ж. ТЕШАЕВ (Бухара)  
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

www.bsmi.uz

E: ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

**1 (29)**

**2020**

*январь-март*

<i>Рахимбаева Г.С., Сагатов Д.Р., Наджимитдинов С.А.</i> <b>НЕЙРОФИЗИОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ КАТАМЕНИАЛЬНОЙ ЭПИЛЕПСИИ</b> .....	69
<i>Рахматов Н.Н., Марданова С.М.,</i> <b>АБУ АЛИ ИБН СИНО АСАРЛАРИДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ ВА ИНСОН КАМОЛОТИ</b> .....	74
<i>Рахматова М.Р., Жалолова В.З., Мустафаева Ш.А., Нурова З.Х.,</i> <b>МАЛАКАЛИ ТИББИЙ КАДРЛАРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ</b> .....	77
<i>Рахматова М.М.,</i> <b>РЕСПИРАТОРНЫЕ ЗАБОЛЕВАНИЯ У ДЕТЕЙ, ПОСЕЩАЮЩИХ ДЕТСКИЕ САДЫ</b> .....	81
<i>Рустамов У.М., Садиқова Д.И., Бобоев Р.А., Хамраев О.А., Шадманов М.А., Хужамбердиев У.Э.,</i> <b>ЭТИОЛОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ ЛЕЙКОПЛАКИИ МОЧЕВОГО ПУЗЫРЯ</b> .....	84
<i>Сайдалихужаева Ш.Х., Косимова Х.Т., Мамаджанов Н.А., Ибрагимова Ш.Р.,</i> <b>РОЛЬ СОВРЕМЕННЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ В ДАЛЬНЕЙШЕМ СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ СИСТЕМЫ ВЫСШЕГО МЕДИЦИНСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН</b> .....	88
<i>Teshaev Sh.J., Khamdamova M.T.,</i> <b>FEATURES OF ANTHROPOMETRIC PARAMETERS IN WOMEN OF THE FIRST AND SECOND PERIOD OF MIDDLE AGE WITH DIFFERENT CONSTITUTIONAL TYPES</b> .....	91
<i>Хакимов М.Ш., Садықов Р.А., Ашууров Ш.Э., Жуманазаров А.У., Иمامов А.А.</i> <b>ЛЕЧЕБНАЯ ТАКТИКА ПРИ ЗАКРЫТЫХ ТРАВМАТИЧЕСКИХ ПОВРЕЖДЕНИЯХ СЕЛЕЗЕНКИ</b> .....	93
<i>Khamdamova M.T.,</i> <b>ANTHROPOMETRIC CHARACTERISTICS OF THE PHYSICAL STATUS OF WOMEN IN THE FIRST AND SECOND PERIOD OF MIDDLE AGE</b> .....	98
<i>Хаятова М.Ф., Тешаев Ш.Ж.,</i> <b>МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ СТРОЕНИЕ ОКОЛОПЛОДНЫХ ОБОЛОЧЕК У БЕРЕМЕННЫХ НА ФОНЕ ОЖИРЕНИЯ</b> .....	100
<i>Шарафутдинова Р.И., Муратова Г.С., Турсунбаева М.Т.,</i> <b>ТАЛАБАЛАРДА ЭКОЛОГИК ТАФФАКУР ВА ТАРБИЯ ТУШУНЧАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ</b> .....	105
<i>Юлдашева М.М.,</i> <b>«ЗАИФ БЎГИН» ҲАМДА «ДАВРАЛАР» ИНТЕРАКТИВ ТАЪЛИМ УСУЛЛАРИНИ БИРГАЛИҚДА ҚЎЛЛАШ УНУМДОРЛИГИ</b> .....	107

## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ

<i>Абдуллаева В. К., Бабарахимова С. Б.,</i> <b>ЛИЧНОСТНЫЕ ОСОБЕННОСТИ У ПОДРОСТКОВ С ДЕПРЕССИВНЫМИ РАССТРОЙСТВАМИ</b> .....	109
<i>Абдукаримова Н.У., Абдумўминов Б.Р., Юсупова Ф.К.,</i> <b>ТОКСОПЛАЗМОЗ И БЕРЕМЕННОСТЬ</b> .....	113
<i>Адамбаев З.И., Исмаилова М.О.,</i> <b>КЛИНИКО-НЕЙРОФИЗИОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА БОЛЬНЫХ С СИМПТОМАТИЧЕСКОЙ ЭПИЛЕПСИЕЙ ВИРУСНОЙ ЭТИОЛОГИИ</b> .....	117
<i>Азизова Р.А., Агзамова Н.В., Мухитдинова М.И., Карабекова Б.А., Касимова Ш.Ш., Шерова З.Н., Дадамухамедова Х.Э., Хакбердиева Г.Э.,</i> <b>ДОРИ ВОСИТАЛАР НОЖЎЯ ТАЪСИРЛАРИНИНГ ПЕДИАТРИЯДАГИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ</b> .....	120
<i>Маджидова Ё.Н., Азимова Н.М., Якубова З.А.,</i> <b>ОСОБЕННОСТИ КОГНИТИВНЫХ НАРУШЕНИЙ ПРИ ХРОНИЧЕСКОЙ ИШЕМИИ МОЗГА</b> .....	124
<i>Акрамов В.Р., Гафаров Ж.С.,</i> <b>СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДИАГНОСТИКИ И ЛЕЧЕНИЯ ГРЫЖ ПОЯСНИЧНОГО ОТДЕЛА ПОЗВОНОЧНИКА</b> .....	129
<i>Алиев Н.Х., Гаффаров С. А., Идиев Г.Э.,</i> <b>ЧАККА-ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ МЕЪЁРИЙ ФАОЛИЯТИ ВА ПАТОЛОГИЯСИ МЕХАНИЗМЛАРИНИ АСОСЛАШНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ</b> .....	132
<i>Асроров А.А., Юлдашева Р.У., Халилова Ф.А., Ашуурова Н.Г., Адизова Д.Р., Джурраева Н.О.,</i> <b>СУРУНКАЛИ ТОНЗИЛЛИТ БИЛАН ОФРИГАН БОЛАЛАРДА ҚЎЛ БАРМОҚЛАРИ ДЕРМАТОГЛИФИКАСИ КЎРСАТКИЧЛАРИ</b> .....	136
<i>Атаходжаева Д.Р., Мирзаева М.А.,</i> <b>БЕМОРЛАРДА СУРУНКАЛИ БРУЦЕЛЛЁЗНИ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ҲОЛАТИ</b> .....	140
<i>Атоева М.А.,</i> <b>ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РАЗВИТИЯ ЗУБОЧЕЛЮСТНЫХ АНОМАЛИЙ У ДЕТЕЙ</b> .....	144
<i>Ахмедов Ф.К., Негматуллаева М.Н.,</i> <b>ОСОБЕННОСТИ СОСТОЯНИЯ ЦЕНТРАЛЬНОЙ ГЕМОДИНАМИКИ И ГЕМОСТАЗА У БЕРЕМЕННЫХ С ПРЕЭКЛАМПСИИ РАЗЛИЧНОЙ СТЕПЕНИ ТЯЖЕСТИ</b> .....	147
<i>Ахмедов А.А., Зикиряева М.М.,</i> <b>ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ ФОРМИРОВАНИЯ СОЦИАЛЬНОГО ВООБРАЖЕНИЯ У ПОДРОСТКОВ</b> .....	151

## АБУ АЛИ ИБН СИНО АСАРЛАРИДА МАЪНАВИЙ - АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ ВА ИНСОН КАМОЛОТИ

Рахматов Н.Н., Марданова С.М.,

Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро давлат университети.

### ✓ Резюме,

Мазкур мақолада буюк табиб ва қомусий олим, кенг илмлар соҳиби, ўз даврининг "Шайх-ар-раис"и Абу Али ибн Сино ижтимоий -фалсафий меъроси, маънавий қарашлари ва инсон хулқини тарбиялашга хизмат қилуви ахлоқий қарашлари тўғрисида гапирилади. Биз Абу Али ибн Синони буюк табиб сифатида яхши таниймизу, аммо унинг ижтимоий қарашларидан кам баҳраманд бўламиз. Унинг ижтимоий - фалсафий ижоди инсонни улуғлашга, унинг бахтли-саодатли ҳаёт кечирishi ва соғлом танга эга бўлишига ёрдам беради. Ҳаттоки, баъзи касалликларга шифо топиш учун қўллаш лозим бўладиган амални бажаришда шоирана назмда бадиий гўзал ифода этиши, унинг нафақат табиб, балки инсонга маънавий таъсир кўрсатувчи ва сўз сеҳридан фойдалануви ижодкор эканлигини билишимиз мумкин. Ижодкорлик ҳар қандай кишини илҳомлантириб, янги марраларга эришишига илҳом бағишлаганидек, Ибн Синонинг ижтимоий - фалсафий қарашлари ҳам нафақат беморларни, балки ижтимоий ҳаётимиздаги барча соғлом фикрли инсонларни соғлом турмуш тарзи асосида яшашга, меҳнат қилишга, жисмоний, ақлий ва маънавий тарбияланишида жуда ҳам муҳимдир. Зеро, маънавий-ахлоқий тарбияланган табиб албатта Ибн Синонинг қарашларидан фойдаланса, унинг ижтимоий - фалсафий меросидан баҳраманд бўлса албатта беморлар бундай табибларнинг ҳикматли сўзларидан тезроқ тузалишига олиб келади.

Калит сўзлар: тарбия, маънавий тарбия, ахлоқий тарбия, жисмоний тарбия, эзгулик, ёвузлик, меҳнат, билим, инсон, жамият

## ВОПРОСЫ ДУХОВНО-ПРАВСТВЕННОГО ВОСПИТАНИЯ И ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО СОВЕРШЕНСТВА В ТВОРЧЕСТВЕ АБУ АЛИ ИБН СИНЫ

Рахматов Н.Н., Марданова С.М.,

Бухарский государственный медицинский институт,  
Бухарский государственный университет.

### ✓ Резюме,

В этой статье обсуждается социальное и философское наследие Абу Али ибн Сины, известного врача и энциклопедиста, обладающего обширными знаниями и знаниями своего времени, и его этические взгляды на развитие человеческого поведения. Мы знаем Абу Али ибн Сина как великого врача, но мы редко разделяем его социальные взгляды. Его социальные и философские творения помогают прославить человека и вести счастливую и здоровую жизнь. Возможно, мы даже знаем, что поэзия прекрасно выражается в поэзии, делая то, что нужно для лечения некоторых болезней, и что это не только врач, но и человек, который использует духовную магию и использование слов магии. Подобно тому, как творчество вдохновляет любого на достижение новых высот, социальные и философские взгляды Ибн Сины очень важны не только для пациентов, но и для всех людей в нашей социальной жизни, жизни, работе, физическом, умственном и духовном развитии. В конце концов, если физически и духовно подготовленный врач использует взгляды Ибн Сины и его социальное и философское наследие, он скоро оправится от мудрых слов таких врачей.

Ключевые слова: воспитание, духовное воспитание, нравственное воспитание, физическое воспитание, добро, зло, труд, знания, человек, общество.

## QUESTIONS OF SPIRITUAL AND MORAL EDUCATION AND HUMAN PERFECTION IN THE WORK OF ABU ALI IBN SINA

Rakhmatov N.N., Mardanova S.M.,

Bukhara State Medical Institute, Bukhara State University.

### ✓ Resume,

This article discusses the social and philosophical heritage of Abu Ali ibn Sina, known as a physician and encyclopedist with extensive knowledge of his time, and his ethical views on the development of human behavior. We know Abu Ali ibn Sina as a great doctor, but we rarely share his social views. His social and philosophical creations help to glorify a person and lead a happy and healthy life. Perhaps we even know that his poetic poems are perfectly expressed in poetry, doing what is needed to treat certain diseases, and that he is not only a doctor, but also a person who uses the spiritual magic of words. Just as creativity inspires anyone to achieve new heights, the social and philosophical views of Ibn Sina are very important not only for patients, but for all people in our social life, work, physical, mental and spiritual development. In the end, if a physically and spiritually trained physician uses the views of Ibn Sina and his social and philosophical heritage, he will soon recover from the wise words of such doctors.

Key words: education, spiritual education, moral education, physical education, good, evil, labor, knowledge, man, society.

Ўз даврининг буюк алломаси ва тиб илмининг султони бўлиб етишган Абу Али ибн Сино (980 йил 16 августда Афшона қишлоғида туғилган - 1037 йил 18 июнда Эроннинг Ҳамадон шаҳрида вафот этган) жаҳон фани тарихида қомусий олим сифатида тан олинган эди, чунки у ўз давридаги мавжуд фанларнинг қарийб барчаси билан шуғулланган ва уларга оид асарлар ёзган. Шунингдек, Ғарб оламида Ибн Сино "Инсониятнинг донишмандларидан бири", "Авиценна" номлари билан танилган бўлиб, Шарқ оламида эса "Шайх-ар-раис", "Шараф ал-мулк", "Хужжат ал-ҳақ" ва "Ҳаким ал-вазир" номлари билан машҳурдир. (1) Ғарбда машҳур қилган унинг тиббий мероси, хусусан, "Тиб қонунлари" бўлса, эса, энг аввал, унинг буюк файласуфлигидадир.

Илмий-тадқиқот ишларини 16 ёшида бошлаган Ибн Синонинг турли манбаларда 450 дан ортиқ асар ёзганлиги қайд этилган, лекин бизгача уларнинг 242 (160 таси мавжуд) таси етиб келган. Шулардан, 80 таси фалсафага, 43 таси табобатга оид бўлиб, қолганлари мантиқ, психология, табиийёт, астрономия, математика, мусиқа, кимё, ахлоқ, адабиёт ва тилшуносликка бағишланган.

Ибн Синонинг ижтимоий - фалсафий қарашлари меросига назар ташласак, улардан энг йирик ва муҳим асари "Китоб аш-шифо"дир. Кейингилари "Китоб ан-нажот" "Китоб аш-шифо"нинг қисқартирилган шакли бўлиб, у ҳам қисман жаҳоннинг бир неча тилларига таржима қилинган. Олимнинг ижтимоий - фалсафий қарашлари қарашлари яна "Ал-ишорат ва-т танбиҳот" ("Ишоралар ва танбеҳлар"), "Ҳикмат ал-машриқийн" ("Шарқ фалсафаси"), "Китоб ал-ишорат фил мантиқ вал ҳикмат" ("Мантиқ ва фалсафанинг ишоралари"), форс тилида ёзилган "Донишнома" ("Билим китоби") ва бошқа турли ҳажмдаги фалсафий рисолаларда ҳамда "Тайр қиссаси", "Саломон ва Ибсол", "Ҳайй ибн Яқзон", "Юсуф ҳақида қисса" каби фалсафий мазмунли бадиий қиссаларида ўз аксини топган.

Ибн Синонинг фалсафий асарлари билан танишганимизда инсоннинг маънавий-ахлоқий тарбиясига оид масалалар ҳам катта ўрин эгаллаганлигини унинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашлари асосида илгари сурилган прогрессив йўналишдаги ғояларидан билиб оламиз.

Ибн Сино инсоннинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан шуғулланганидан ахлоқшунослик (Этика) фанини амалий фанлар сирасига киритади. Ибн Сино ўзининг "Ақсам ал-улум ал-ақлийа" номли илмий-фалсафий асарида ахлоқшунослик фанига қуйидагича тушунтириш беради: "Бу шундай фанки, унинг ёрдамида одам ҳаёти гўзал бўлишини ҳамда ўлими яқинлашгандан кейин унинг руҳи тўла хотиржам ва бахт-саодатда яшашини тушуниб олишида ўзининг юриштуриши ва ҳатти-ҳаракати қандай бўлиши кераклигини англаб етади". "Дунёда мавжуд барча нарсалар, - деб ёзади Ибн Сино, - табиатига кўра комилликка (мукамалликка) эришишга ҳаракат қилади. Айниқса ушбу комилликка интилишнинг ўзи унинг моҳиятида сингдирилган эзгуликдир. Барча эзгуликнинг мавжуд эмаслиги ёвузликнинг мавжудлигидир". Ибн Сино нуқтаи назарича, эзгулик ва ёвузлик, роҳатланиш ва қайғуга тушиш - асосий ахлоқий тушунчалардан ҳисобланади. Асосий маънавий қадрият эса адолат бўлиб, ҳамма нарсада ўрталikka мувофиқдир. Адолат

ёки ўрталик маънавий эзгулик ва лаззатланишнинг мезонидир. Ибн Сино инсоннинг маънавий тарбиясига оқилоналик асосида ёндашган. Унинг айтишича, тарбия энг аввало инсонда предмет ва ҳодисаларга нисбатан оқилона ёндашувни ривожлантириши, унинг негизида эса ақл, эзгулик, тартиблилик ва барча инсоний бахт-саодат ётиши керак.

Ибн Синонинг инсонни ахлоқий тарбиялаш борадаги қарашлари ҳам беқийсдир. Унинг айтишича, инсон қанчалик ақлий ва жисмоний ривожланган бўлмасин, агарда унинг билимлари ахлоқий нормалар билан ёритилмаган бўлса, у жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўла олмай, унга фойда келтира олмайди. Шунинг учун, у адолат нуқтаи назаридан инсоннинг ақлий, ахлоқий ва жисмоний ривожланиши масаласини илгари суради. Чунки, паст ахлоқий фазилатга эга бўлган киши фақатгина зарарли оқибатларни келтириб чиқаради. Ахлоқилик - бу инсоннинг табиий сифати бўлмай, балки тарбиянинг предмети ва унинг натижасидир. Унинг айтишича, тарбиянинг мақсади шундай инсонни тайёрлаш керакки, у инсон нафақат ўзи учун яшашлиги, балки бошқа инсонлар учун ҳам яшаши кераклиги лозимдир. Ушбу идеалликка эса одамларда инсонпарварлик, ҳақиқий дўстлик, садоқат, мустаҳкам ирода ва мустаҳкам характер, меҳнатни севиш ва ижодий меҳнат малакаларини тарбиялаш орқалигина эришиш мумкин. "Муқоиси дар ахлоқ" китобида Ибн Сино маслаҳат беради, "Агарда инсон ўзининг ахлоқини кўрсатмоқчи бўлса, унда у ўзини атрофидаги инсонларнинг ахлоқи билан солиштириши, барча яхшиликларни ўрганиши, ёмон камчиликларидан воз кечиши керак".

Аллома "Соломон ва Ибсол қиссаси"да эса, олийжаноб инсонларни улуглаб, маънавий қашшоқ кишиларни кўрсатиб беради. Шунингдек, ахлоқ масаласида дўстлик ва биродарликни тарбиялаш муаммолари ва амалиёти ҳам муҳим эканлигини айтиб ўтади. Ибн Сино инсон ҳаётида ҳақиқий дўстликнинг аҳамиятини таъкидлаб, ҳақиқий дўстларни сохта дўстлардан ажратиш учун маслаҳатлар беради. У шахсий манфаатларни жамият манфаатларидан устун қўйиш, худбинлик ва иккиюзламачиликка қарши чиқади. Унинг айтишича, инсон табиатига кўра жамоавий ҳаётга интилади, шунга кўра инсонга жамоат орасида бўлиш ва яшаш ёқимлидир. Шундан келиб чиққан ҳолда Ибн Синонинг фикрича, инсонга унинг ҳаёти қийин бўлмаслиги учун ҳам дўстга эга бўлиши лозимдир. Дўстлар ҳамжиҳатлигида инсон катта қаҳрамонликлар кўрсатиши мумкин. У айтади: "Инсон шунда инсон бўладики, у бошқаларнинг эҳтиёжларини қондиради, шу билан бирга бошқалар ҳам унинг. Бири кўчат экади, бошқаси нон пиширади, учинчиси тикади, тўртинчиси игна тайёрлайди ва барчаси ана шундай бирлашиб бир-бирининг эҳтиёжини қондиради". Биродарлик, дўстлик, бир бирини қўллаб-қувватлаш инсон фаолиятида муваффақият келтиришини илгари суради. Унинг айтишича "Агар у сенга ҳақиқий дўст бўлса, у сенинг хурсандчилик, хафалик ва қайғули кунларингда бирга бўлади". Шунинг учун, Ибн Сино одамларни бирлашишга, ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда яшашга чақиради. Шунингдек, Ибн Сино "Тадбири манзил" асарида ҳар бир инсоннинг у ким бўлишидан қатъий назар яхши ва ақлли дўсти бўлиши лозимлиги тўғрисида ёзади. Ақлли дўст ойна сингари инсоннинг яхши ва ёмон томонларини кўрсатиши керак. Унинг айтишича, "Агар у ҳақиқий дўст бўлса,

фаолиятингдаги сенинг бир камчилигинг бошқа бир ёмонликни келтириб чиқармаслиги учун дарҳол сенинг камчиликларингни айтади".

Ибн Синонинг маънавиятли инсоннинг энг асосий сифатларидан бири камтарликка ҳам катта эътибор беради. Инсоннинг камтарлиги ишда ва фаолият жараёнида оқилона ёндашуви билан мувофиқ келиши кераклигини айтади. Алломанинг айтишича, одамларнинг айтадиган гаплари уларнинг қилаётган ишлари билан мос келиши керак. У лаганбардорларни қаттиқ қоралайди. "Қуш тўғрисида"ги ҳикоясида Ибн Сино шундай ўхшатишни келтириб ўтади: "Типратиканнинг ташқи томони тиканли бўлгани билан, унинг ичи тоза. Шунингдек, айрим пайт одамларда ташқи томони чиройли кўрингани билан уларнинг ичидаги ғаламислик, иккиюзламачилик, бузуқлик, ахлоқсизлик ва ярамасликни ҳатти-ҳаракатларида кўриш мумкин". Шунинг учун, "Инсонларни уларнинг ташқи кўринишига қараб эмас, балки ички дунёсига қараб баҳолаш тўғри ва оқилона иш бўлган бўларди", - деб айтади Ибн Сино.

Алломаннинг асарларида шу нарса алоҳида кўрсатиб ўтилганки, кибру-ҳаво, ортиқча ўзининг кучига бино қўйиш ва мақтанчоқлик маънавий жиҳатдан камолотга етмаганлигидан далолат саналади. Ибн Сино инсоннинг маънавий ва ахлоқий камолоти унинг психологик тарбияси билан бевосита боғлиқ эканлигини айтади. Бунда асосан биринчи ўринда у инсон ижтимоий ҳаракатларини яхшилашга қаратилган амалий мақсадларни назарда тутаяди. Унинг фикрича, инсон сиртдан салбий сифатларга эга бўлмаслиги мумкин, ёмон одатлар ўз-ўзидан ичдан пайдо бўлмайди, балки унинг ҳаракатларида кўриниб боради.

Ибн Сино инсон қалбида амалий (тажрибали) ва тажрибага асосланмаган мушоҳадали (ўй хаёлга асосланган) икки куч мавжудлигини айтади. Унинг айтишича, тажриба кучи доимо юқори туриши ва яхши ахлоқий сифатларни ўзлаштириб бориши керак.

Ибн Сино инсон ҳатти-ҳаракатларини уч қисмга бўлади, биринчиси, мажбурият юзасидан келиб чиқадиган ҳаракатлар, иккинчиси, маълум бир фойдага эришишга қаратилган (шунингдек, ўзининг шахсий хузур-ҳаловатига) ва учинчиси, ҳеч қандай бир таъмагирликка асосланмаган ва инсонни безайдиган ҳаракатлар. Алломанинг айтишича, "Эзгулик, яхшилик

шунчаки қилинмаган, шунчаки, ўзининг мақсад ва манфаати учун ҳам қилинмаган бўлсагина, бундай эзгулик ва яхшилик мукамал эзгулик ҳисобланади. Кўпгина инсонлар эса, эзгуликнинг мукамаллигига эришишга ҳаракат қилмайдилар". Шунингдек, Ибн Синонинг мукамал жамият тўғрисидаги ғоясида фуқаролар ўз ҳатти-ҳаракатларида мукамалликка эришиши ва бунинг бутун давлат миқёсида норма сифатида мувофиқлашиши тўғрисида фикр билдиради. Шунингдек, аллома инсоннинг маънавий-ахлоқий шаклланишида унинг атрофидаги одамларнинг ҳатти-ҳаракатлари, юриш-туришлари, феъл-атвори ва ўзаро муносабатлари билан бирга давлат раҳбарининг ҳам асосий рол ўйнашини айтиб ўтади. Давлат раҳбари қандай сифатларга эга бўлса, бўйсунувчилар ҳам унга тақлид қилган ҳолда шундай сифатларга эга бўлишадди. Шунинг учун ҳам давлат раҳбари ўзидаги барча камчиликларини бартараф этиши, шундан кейин эса, шахсий намуна сифатида бошқаларга яхши сифатларни тарбиялашга ҳаракат қилиши мумкинлигини таъкидлаб ўтади.

Хулоса сифатида Ибн Синонинг ғояларидан ҳақиқий маънавий-ахлоқий фазилатларга ва идеал жамиятга шу мавжуд дунёда эришиш мумкинлигини, бунинг учун эса жамиятда инсонлар ўзаро ёрдам, бирдамлик ва ўзаро ҳамкорлик асосида яшашлари кераклигини, бундай жамият кишиларнинг ўзаро келишуви асосида қабул қилинадиган адолатли қонунлар ёрдамида бошқарилиши лозимлигини билишимиз мумкин.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Эгамбердиева Н. М. Абу Али ибн Сино и анализ философских проблем в его произведении "Хайй ибн Яқзон" // Молодой ученый. - 2017. - №27. - С. 76-80. - URL <https://moluch.ru/archive/161/45085/>
2. Ибн Сина. "Китоб аш- Шифо". Глава "О доказательстве пророчества..." (цит. По книге Мухаммеда Юсуфа Мусы. Социология и политика в философии Ибн Сины. Каир. 1952)
3. Ибн-Сина. Избранные произведения (на тадж. яз.). Т. 2. - Душанбе, 1983. Ибн Сино "Тадбири манзил" ст.22.
4. Ибн Сино. Канон врачебной науки. 1 том: -Т. Абдулла Қодирӣ. 1992 г.

Келиб тушган вақти 09.02. 2020